



ЕТУК МУХАНДИС КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Мадаминова Дилноза Дилшодбек қизи
НамМҚИ стажёр ўқитувчи
Юнусалиева Чаросхон Абдуқодировна
Наманган шаҳар 22-мактаб ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада муҳандисларни тайёрлашда талабаларнинг мустақил фикрлашларини шакллантириш ҳамда танлаган касбларига қизиқишларини ошириш йўллари ёритиб ўтилган.

Аннотация: В данной статье освещаются пути развития самостоятельного мышления студентов и повышения их интереса к выбранной профессии при подготовке инженеров.

Abstract: This article highlights ways to develop students' independent thinking and increase their interest in their chosen professions in the preparation of engineers.

Калит сўзлар: касб-ҳунар, касбий малака, дастур, талаба, муҳандис, мустақил иш, методика, корхона, адабиёт, мафкура, психология.

Ключевые слова: профессия, профессиональная квалификация, программа, студент, инженер, самостоятельная работа, методика, предприятие, литература, идеология, психология.

Key words: profession, professional qualification, program, student, engineer, independent work, methodology, enterprise, literature, ideology, psychology.

Олий ва касб-ҳунар таълими олдидаги муҳим вазифалардан бири теран фикрловчи, ўз дунёқарашига эга бўлган иқтидорли, касбий малака ва кўникмага эга шахсларни камол топтиришдан иборатдир. Чунки ўзгалар фикрига қарам бўлиш, турли зиддиятларга ва ёт мафкурага эргашиш психологияси жамият маънавиятини, иқтисодиётини таназзулга олиб келиши муқаррардир (1).

Маълумки, мустақил фикрлаш ва мустақил фаолият юргизиш ҳар бир шахсинг индивидуал хусусияти бўлсада, хусусият жамиятда, инсонлар ўртасида муносабатлар муҳити яхши бўлганда ривожланади. Айниқса, таълим жараёнида ўқувчилар мустақил фаолияти мақсадли, илмий асосда ташкил қилинса ва йўналтирилсагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Шу ўринда



илмий методик адабиётлардаги кўп қўлланиладиган “мустақил таълим” ва “мустақил ишлар” тушунчаларига қисқача тавсиф бермоқчимиз. Мустақил таълим дейилганда фан дастуридаги материалларнинг маълум қисмини ўқувчилар томонидан мустақил ўрганилишини ва ўзлаштирилишини тушунамиз. Ўқувчилар ўқув дастуридаги материалларнинг маълум қисмини ўқув дарсликлари ва қўлланмаларидан мустақил ўрганадилар. Мустақил ишлар дейилганда белгиланган маълум вақт оралиғида ўқитувчи назоратида аудиторияда ёки уйда ўрганилган материалларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш мақсадида ўқувчи томонидан мустақил бажариладиган топшириқлар мажмуини тушунамиз.

Мухандислик конструкцияларини ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг ҳар қандай саволларига ўқитувчи томонидан тўғри ва асосли жавобларнинг берилиши, ўқувчилар томонидан айтилган тўғри фикрларнинг ўз вақтида рағбатланиши, фан ўқитувчиси томонидан у ёки бу ўқув муаммоси бўйича ҳар бир ўқувчи фикрининг сўралиши, тўғри жавобларнинг маъқулланиши ва холисона баҳоланиши каби омиллар ўқувчиларни мустақил фикр юрғатишга йўналтиришнинг асосий шарт-шароитларидан ҳисобланади.

Мавжуд ўқув, илмий-методик адабиётларни ўрганишимиз, илғор тажриба наъмуналарини кузатишимиз ва умумлаштиришимиз шуни кўрсатадики, Мухандислик конструкцияларини ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фаолиятини қуйидаги кўринишларда ташкил этиш, шакллантириш ва ривожлантириш мақсадга мувофиқ:

- дарсликдаги баъзи материалларни, ҳатто, мавзуларни мустақил ўрганишга ажратиш (фанлараро боғланиш элементлари асосида);
- берилган мавзуларга оид масалалар ечиш;
- мавжуд лаборатория ишларини бажариш ва ҳисоблашларни турли усулларда мустақил амалга ошириш;
- мустақил тажрибалар ўтказиш, уларни қайд этиш, зарур хулосаларни чиқаришга жалб этиш;
- қўшимча таклиф этилган схемалар ва графиклар билан ишлаш;
- таклиф этиладиган мавзуларни компьютер ёрдамида ўрганиш;
- рефератлар, маъруза матнларини тайёрлаш;
- ўқувчиларни муҳандислик фанларидан топшириқларни ечишга ўргатиш, мавзуларга тегишли дидактик ўйинларда иштирокини таъминлаш;
- муҳандислик конструкцияларига оид (ишлаб чиқариш корхоналарига) экскурсиялар ташкил қилиш ва бошқа омилларга эътибор қаратиш лозим.



Мухандислик фанларидан тажрибаларни бажаришни фронтал тарзда амалга ошириш мумкин. Бундай тажрибалар ўрганилган материалларни мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилади. Мустақил ишларни ташкил қилишда ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Агар ўқувчилар қўйилган масалани тушунса ва бажариш керак бўлган ишга қизиқсагина янги билимлар иштиёқ билан идрок қилинади. Мақсад ва вазифаларни ўртага қўйишда ўқувчиларнинг мустақил билишга, ўзини намоён қилишга интилишини ва билим олишга чанқоқлигини ҳисобга олиш зарур. Агар дарсда ва тўғарак машғулотида шу эҳтиёжларни қондиришга шароит яратилган бўлса, ўқувчилар қизиқиш билан ишлашга киришадилар.

Билимга бўлган қизиқишни ошириш мураккаб масала бўлиб, ўқувчиларнинг дарс ва тўғарак машғулотларининг самарадорлик натижаси ана шу масаланинг қандай ҳал қилишига боғлиқ ҳолда юзага келади.

Мухандислик фанларини ўқитиш жараёнида ўқувчилар мустақил фаолиятини ташкил қилишнинг қайси тури ва кўринишидан фойдаланишдан қатъий назар, қуйидаги талабларни ҳисобга олиш зарур деб ҳисоблаймиз.

1. Ўқувчиларда муаммонинг ҳал қилиши ва ўрганилишига иштиёқ уйғотиш ва шу асосда ўқув мақсадларини шакллантириш.

2. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини ташкил қилишда қўйилган муаммо бўйича мавжуд билимларни умумлаштириш, қўйилган муаммога мос ва зарур билимларни аниқлаштириш (таҳлил қилиш), муаммони ҳал қилиш режасини тузиш; режа асосида ўқувчилар мустақил фаолиятини ташкил қилиш, олинган натижаларни сарҳисоб этиш.

3. Психология соҳасида: ўқувчиларда таълим олиш завқ-шавқини хосил қилиш; мустақил ишлашга қизиқиш уйғотиш; олинган натижалардан қониқиш ҳиссини хосил қилинишига эришиш.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўқувчиланинг мустақил фаолиятини шакллантириш ва ривожлантиришда таълимнинг барча босқичларида ўрганиладиган ўқув фанларининг имкониятларини эътиборга олиш албатта зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Хожиев Б., Гориш Л. Мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш услуб ва воситалари. –Т. :2007.
2. К.Ишматов Педагогик технология. Ўқув қўлланма. Наманган. 2004 й.
3. Mashrapov, Q., Yoqubjanova, Y., Djurayeva, D., & Xasanboyev, I. (2022). THE ROLE OF CREDIT-MODULE SYSTEM IN DEVELOPMENT OF



STUDENTS'SPECIALTIES IN TECHNICAL HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS. *Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences*, 1(6), 332-336.

4. Khoshimjon, Y. S., Olimjonovich, M. K., & Ibrahim, H. (2022). Assessment of the seismic resistance of buildings and structures and methods of creating electronic technical passports. *Scientific Impulse*, 1(5), 163-166.
5. Olimjonovich, M. Q., & Umarjonovna, D. D. (2023). TEXNIK YO 'NALISHIDA TA'LIM OLAYOTGAN TALABALARNI KREDIT-MODUL TIZIMI SHARTLARI ASOSIDA O 'QITISH. *Scientific Impulse*, 1(9), 1506-1512.
6. Mashrapov, Q., & Xasanboyev, I. (2022). TEXNIK OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA BILIM OLAYOTGAN TALABALARNING O 'Z MUTAXASSISLIKLARI BO 'YICHA YETUK KADR BO 'LIB YETISHISHLARIDA KREDIT-MODUL TIZIMINING O 'RNI. *Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences*, 1(6), 82-87.
7. Mashrapov, Q. O. (2021). HARBIY TALIM OQUV JARAYONIGA KREDIT-MODUL TIZIMINING KIRISHI. *Интернаука*, (19-6), 10-14.
8. Olimjonovich, M. Q. (2022, December). HARBIY FAKULTETLARDA TA'LIM SIFATINI OSHIRISHDA O 'QITISHNING KREDIT-MODUL TIZIMIDAN FOYDALANISH. In *Proceedings of International Educators Conference* (Vol. 1, No. 3, pp. 200-210).
9. Mashrapov, Q. O. (2023). OZON QATLAMINING YEMIRILISHIGA SABAB BO 'LUVCHI OMILLAR VA ULARNI BARTARAF ETISH YO 'LLARI. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 3(3), 361-365.
10. Olimjonovich, M. Q., & Mirzanazarovich, K. I. (2022). USING THE CREDIT-MODULE SYSTEM OF TRAINING IN IMPROVING THE QUALITY OF EDUCATION IN MILITARY FACULTIES. *PRINCIPAL ISSUES OF SCIENTIFIC RESEARCH AND MODERN EDUCATION*, 1(10).
11. Olimjonovich, M. Q. (2023). TEXNIK YO 'NALISHLARIDAGI OTMLARIDA KREDIT-MODUL TIZIMINI RIVOJLANTIRISH.
12. Olimjonovich, M. Q., & Civil, Y. Y. G. N. THE ROLE OF THE CREDIT-MODULE SYSTEM IN THE TRAINING OF" LABOR PROTECTION AND ENGINEERING SAFETY" SPECIALISTS IN TECHNICAL HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS.